

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИГ ПАСПОРТ-ВИЗА КОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИ ТУШУНЧАСИ, АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА БУГУНГИ ХОЛАТИ

Исматиллоев Шахзод Зарифбой Ўгли
Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги
Академияси Курсанти

Абстракт: Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ички ишлар органлари соҳавий хизматматларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ва қонуности ҳужжатларида ҳамда ИИВнинг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви тизимида инсоннинг шахсий дахлсизлик, эркин ҳаракатланиш ҳамда доимий ва вақтинча турар жой танлашга оид ҳуқуқларини самарали таъминлашга қаратилган бир қатор ислохотлар амалга оширилди.

Калит Сузлар: профилактика инспектори, ислохотлар, паспорт-визаб

КИРИШ

Бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири профилактика инспекторининг паспорт-виза коидаларига риоя этилишини таъминлаш фаолиятини қандай усул ва воситалар билан таъминланаётганини тадқиқ қилиш ҳамдир. Замонавий давлатда паспорт-виза соҳасидаги ҳуқуқларни амалга оширишнинг самарали механизми бўлиши ҳамда ўз ичида фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолати бўлиши лозим. Айтилганларнинг барчаси паспорт тизимини амалга оширувчи хизматлар фаолиятини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ва соҳавий хизматлар ҳамкорлигини таъминлашнинг назарий асосларини ўрганиш заруратини кўрсатади. Ушбу жараёнда маъмурий – ҳуқуқий назоратнинг асосий йўналиши бўлган паспорт тизимини такомиллаштириш борасидаги ишлар муҳим аҳамият касб этди. Таъкидлаш жоизки, маъмурий-ҳуқуқий назорат давлат бошқарувидаги энг самарали ҳуқуқий тартиботни таъминлаш усулларида бири бўлиб, унда паспорт тизими муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан мазкур институтнинг ҳуқуқий табиати ва ўзига хос хусусиятларини тадқиқот доирасидан четда қолдириб бўлмайди.

Ҳуқуқ назарияси, қонунчилик ва амалий фаолиятда назоратнинг ушбу тури «паспорт режими», «паспорт-виза тизими», «паспорт-регистрация тизими (режими)» каби мазмунан ўзаро алоқадор (боғлиқ) бўлган тушунчалар билан изоҳланмоқда. Олимлар ўртасида ҳозирда паспорт тизими тушунчасига оид

қарашлар шаклланган бўлса-да (қуйида уларнинг фикрмулоҳазалари таҳлил қилинган), тадқиқ этилаётган масалага нисбатан ягона ҳамда умумэътироф этилган ёндашув мавжуд эмас. Таҳлил қилинаётган тушунча таркибининг назария ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича талқин этилаётганлиги, амалдаги қонунчиликда эса, ушбу атама таърифининг мавжуд эмаслиги, унинг мазмуни ҳамда амал қилиш доирасини (чегарасини) аниқлаштириш имконини бермайди.

Бу эса ўз навбатида, паспорт тизими тушунчаси, моҳияти ва аҳамиятини ҳар тарафлама чуқур таҳлил этиш заруратини юзага келтиради. Зеро, ҳар қандай ҳуқуқий институт сингари паспорт тизимининг ҳам илмий-назарий асосларини пухта ишлаб чиқиш, унинг амалиётда муваффақиятли ва самарали ишлашининг гарови бўлиб хизмат қилиши табиий. «Паспорт тизими» тушунчаси илк бор собиқ иттифоқ Совет халқ комиссарияти ва Марказий ижроия қўмитасининг 1932 йил 27 декабрдаги 8 қарори билан муомалага киритилганлиги, мазкур соҳадаги муносабатлар асосан иттифоқ давлатлари ҳудудида шаклланганлиги сабабли, ушбу тушунча моҳиятига оид тадқиқотларнинг аксариятини МДХ давлатлари олимларининг асарларида кўриш мумкин (қуйида улар таҳлил этилган).

Шунингдек ушбу давлатлар қонунчилиги таҳлили ҳам уларда мазкур тушунчанинг қўлланилиши ягона шаклда эмаслигини кўрсатади. Хусусан, ҳозирда Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Украина давлатлари маъмурий қонунчилигида «паспорт тизими» атамаси ҳамон қўлланилса, Молдова, Озарбайжон, Россия, Беларусь, Қозоғистон, Туркменистон қонунларида эса, мазкур тушунчадан фойдаланилмайди. Норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш натижалари аксарият МДХ давлатлари: Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистонда илгари мавжуд бўлган «*прописка*» институти бекор қилиниб, ўрнига «*регистрация*» ёки ҳисобга олишнинг бошқа турлари (ҳайдовчилар, солиқ тўловчилар рўйхати) жорий этилганлигини кўрсатмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Шу билан бирга, Б.Л. Панич ва Е.В. Риннинг қарашларига асосланган ҳолда таъкидлаш мумкинки, аксарият давлатлар, хусусан Россиядаги механизм (регистрация) прописка режими билан де-факто бир хил бўлиб, рухсат берувчи хусусиятга эга. Бу эса, юқоридаги давлатларда ҳам паспорт тизими тартиботларидан тўлиқ воз кечилмаганлигини англатиб, унга даҳлдор айрим тартиб-таомилларнинг сақланиб қолганлигидан далолат беради. Л.В. Иванова томонидан олиб борилган тадқиқотларда кенг ёритилган бўлиб, унга кўра прописка рухсат берувчи («разрешительный») характерда бўлса, «регистрация» хабар берувчи («информационный») хусусият касб этган; прописка шароитида

фу қароларнинг турар жой танлаш билан боғлиқ ҳуқуқлари чекланган бўлса, регистрация орқали эркин кўчиб юриш, доимий ва вақтинча турар жой танлаш ҳуқуқига оид чекловлар минимал даражага келтирилган; прописка шароитида фуқаро ўз ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса, янги назорат институтига кўра, фуқароқарордан норози бўлиб судга мурожаат қилиши мумкин; прописка фақат фуқаронинг паспорти билан амалга оширилса, регистрация фуқаро шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар билан ҳам амалга оширилиши мумкин; ички ишлар органлари пропискани рад этишлари мумкин бўлса, регистрацион инкор этиш ҳуқуқига эга эмас балки шахсларни аниқлаш, жамоат тартибинисақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, шунингдек жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги жиддий муаммоларни юзага келтириши мумкин. Қолаверса, миграцион жараёнларни ошқаришнинг энг асосий механизми сифатида мазкур институтнинг давлат иқтисодий қисмига режалаштириш, ишчи кучини маъмурий бирликлар доирасида рационал (оқилона) тақсимлаш, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни сифатли прогнозлаш (маъмурий бирликларнинг аҳолини боқиб қобилятини баҳолаш), аҳолининг жорий, статистик ҳамда ҳарбий ҳисобини юритишга кўмаклашишдек муҳим функциялари ҳали ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмаган. Шу сабабли паспорт тизими тушунчасига оид илмий қарашлар ҳуқуқ назариясида узоқ йиллар давомида шаклланиб келган. Ушбу масала олимлар ўртасида ҳозирда ҳам жиддий баҳс-мунозара предмети бўлиб қолмоқда. Жумладан, Ғ.Т.Ҳакимов ҳамда Ф.Р. Самигҗонов томонидан берилган таърифларда, «паспорт тизими» деганда – паспорт бериш, алмаштириш, ундан фойдаланиш, маҳрум қилиш, қайд этиш ва рўйхатдан чиқариш тартиби, шунингдек мазкур қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган ҳуқуқий нормаларнинг тушунилади. Мазкур таърифда паспорт тизими тушунчаси унинг асосий фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган бўлса-да, унда паспорт тизими қоидалари билан тартибга солинувчи барча муносабатлар инobatга олинмаган. Паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқариш (тайёрлаш), расмийлаштириш, алоҳида вазиятларда уларни ноқонуний деб топиш, бекор қилиш, олиб қўйиш ҳамда ваколатли органларда сақлаш ва йўқ қилиш билан боғлиқ масалалар, шунингдек пропискани бекор қилиш тартиби шулар жумласидандир.

ХУЛОСА

БУНДАН ТАШКАРИ, Сосновская ва Г.М. Гура томонидан олиб борилган тадқиқотларда ҳам кўриш мумкин. Бинобарин, Д.Р. Фатиховнинг таҳлил қилинаётган тушунчага нисбатан фикри анча диққатга сазовор бўлиб, у паспорт тизими деганда – шахсни тасдиқлаш, аҳоли миграциясини тартибга солиш,

инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларни фoш этишга йўналтирилган ташкилий. Таърифнинг эътиборли жиҳатлари шундан иборатки ҳуқуқий чора тадбирлар йиғиндисини тушунади, унда биринчидан, паспорт тизими томонидан тартибга солинадиган ҳаракатлар доирасига инсоннинг шахсини тасдиқлаш— «идентификация» масалалари киритилган; иккинчидан, паспорт тизимининг асосий мақсадлари қаторида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш билан бирга аҳоли миграциясини тартибга солиш соҳасидаги муносабатлар ҳам инобатга олинган; учинчидан, унинг нафақат норматив (ҳуқуқий) асослари балки, ташкилий механизмлари мавжудлиги таъкидланган. Хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда халқаро интеграция жараёнлари кучайиши, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, туризмни ривожлантириш зарурати каби омиллар паспорт тартиботларини янада соддалаштириш, унинг шахсининг эркин ҳаракатланишини чекловчи таъсирини камайтириш заруратини юзага келтирмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Мирзиёев Ш.М.* Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Т., «Ўзбекистон», 2016. - 56 б.
2. *Мирзиёев Ш.М.* Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. «Ўзбекистон» – Т., 2022-й. – Б. 483
3. *Мирзиёев Ш.М.* Кунун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараккиёти ва халқ фаровонлигининг гарови Т,«Ўзбекистон»,2017 й.-48 бет
4. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 29 сентябрь “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни
5. *Исмаилов И.У., Қурбонов А.* Ички ишлар органларида бошқарув асослари: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – Б. 178.
6. *Қосимов Б.Э., Исмаилов И.У.* Ички ишлар идораларида бошқарувни ташкил этиш илмий йўналиш сифатида // *Ҳуқуқ-Право-Law.*–2017.–№1.–Б.54-55.
7. *Лекаръ А.Г.* Профилактика преступлений. –М., 1972. – С. 45.; *Зелинский А.Ф.* Значение нормы уголовного права для предупреждения преступлений. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – М.,2016.–С.4.
8. Приказ МВД России от 31.12.2012 № 1166 «Вопросы организации деятельности участковых уполномоченных полиции» / [Электронный ресурс].– Режим доступа:–URL:<http://www.rg.ru/uchastkovie-dok.html>.(дата обращения: 14.06.2015).